



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЎҚИШ ВА МАТНИИ ТУШУНИШГА ЎРГАТИШ

Муяссар Мадаминова

*Наманган вилояти Уйчи тумани 36-сонли
умумий ўрта таълим мактаби
бошланғич синф ўқитувчиси.*

Аннотация: *Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш интерактив тавсифга эга бўлиши зарур, чунки бугунги фан-техника тараққиёти шуни тақозо этмоқда*

Калитли сўзлар: *жаҳон, тараққиёт, интерактив, куч, таълим, фан, техника, концепция, фаолият, стратегия, шакллантириш, ўқиш, рўёб, сифат.*

Таълим ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолияти бўлиб, шу жараёнда шахснинг тараққиёти, унинг маълумоти ва тарбияси ҳам амалга ошади. Дарсларда ўқитувчи ўз билими, кўникма ва малакаларини машғулотлар воситасида ўқувчиларга етказди, ўқувчилар эса уни ўзлаштириб бориши натижасида ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлади. Ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўзлаштиришнинг турли кўринишларидан фойдаланишади, яъни ўзлаштирилаётган маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ҳамда амалиётга татбиқ этишда ўзига хос тафовутларга таянади.

Жаҳонда таълим муаммосининг долзарблиги энг муҳим масалалардан бири саналиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “Бошланғич таълим-таълим тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” сифатида эътироф этилди.

Ҳаракатлар стратегиясида “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5712-сон[4] Фармонида илғор мамлакатлар қаторига киришишга эришиш ҳамда халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш асосида ўқитувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ошириш, таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш вазифалари белгиланган.





Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш интерактив тавсифга эга бўлиши зарур, чунки бугунги фан-техника тараққиёти шуни тақозо этмоқда.

Ўқиш-ўқувчи шахсни шакллантиришнинг муҳим асоси бўлиб, у муайян кўникма, малака ва тажрибага эга бўлишни тақозо этади. Олинган натижаларини умумлаштириш асосидаўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик жиҳатлари қуйидаги босқичлардан иборат эканлиги аниқлаштирилди: (1-расмга қаранг).




1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик босқичлари

1-расмда ифода этилган босқичларни амалга ошириш орқали ўқувчиларда ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда самарадорликка эришиш мумкин.

Юқоридаги фикрлар фақат “асослар” ўзлаштирилгандан кейин эмас, балки ўқишнинг дастлабки босқичларидан бошлаб ўргатилиши керак. Ўқувчилар ўқишни мослашувчан ва комбинациялашган ҳолда ўрганишлари жуда муҳим.³⁶ Масалан, ҳамкорликда ўқиш ва матнни тушуниш самарали бўлиши мумкин. Бунинг учун ўқувчилар ўзларидаги мавжуд маълумотларни умумлаштирадилар ва бир-бирларини тушуниш стратегияларини яратадилар. Бундан ташқари, ўқувчилар ушбу стратегиялар бўйича тўғридан-тўғри тушунтиришларни ўқитувчи томонидан моделлаштирилиши керак.

³⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.// Ўзбекистон





Ўқувчиларни ўқиш ва матнни тушунишга ўргатиш ҳар бир даврнинг долзарб муаммоси бўлган. Бу ҳақида педагог олим Б.Б.Маъмуров “Ўқитишнинг самарадорлиги шаклланган ўқиш кўникмаларини ривожлантиришга боғлиқ”, деб таъкидлаб ўтган [6]. Шундан келиб чиқиб, бошланғич таълимнинг муҳим вазифаларидан бири болаларнинг ўқиш кўникмаларини шакллантириш бўлиб, кейинчалик у ривожлантирилади, бу таълим олишнинг пойдевори ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушунишнинг психологик хусусиятлари шуни кўрсатадики, ўқиш жараёнига кучли таъсир кўрсатиш, унинг тезлигига ҳам жиддий таъсир қилади. Шу муносабат билан ўқувчиларга тез ўқишни ўрганиш жуда муҳимлигини доимий равишда ўргатиш кераклиги ҳақида А.Н Леонтьев қўйидаги фикрларни айтиб ўтган: “Кўзларнинг хушёрлиги, равон ўқиш учун зарур бўлган эҳтиёткорликнинг ривожланиши визуал ва эшитиш анализаторлари ёрдамида амалга оширилади. Эшитиш анализаторлари учун таклифлар, визуал учун бир хил принцип бўйича танланади. Таклифлар ҳажми маъно нуқтаи назаридан аста-секин ўсиб бориши муҳим”.


Албатта, характер тезлиги, темперамент, кўриш сифати каби биологик индивидуал хусусиятлар маълум даражада ўқиш тезлигининг ривожланишига таъсир қилади. Бироқ, ўқиш маҳорати-бу янада такомиллаштирилиши керак бўлган мавжуд кўникма ва малакалар йиғиндиси. Шунинг учун ўқиш равонлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаб, янги нотаниш қисмга ўтиб, уни бир хил суръатда ўқишда давом эттирилади. Ушбу машқлар таълим сифатини оширишга биринчи қадам қўйишга ёрдам беради.³⁷

Шундай экан, ўқиш кўникмасини ривожлантириш ўқувчилардан кўп вақт ва куч сарфлашни талаб этади. Бунда ўқитувчи фаолиятининг асосий кўрсаткичи ўқувчининг олдинги нофаол натижаларига нисбатан ўқиш қобилиятининг ўсишига эришганлиги билан белгиланади.

Психологик нуқтаи назардан, асарни идрок этишда муаллиф ўз фикринигина эмас, балки тасаввурини ҳам акс эттириши ҳисобга олинади. Болалар асарни аниқ, эмоционал идрок этишлари учун, уни ифодали ўқиш лозим. Бунда асарни ўқишдан аввал ўтказиладиган тайёргарлик машқлари муҳим аҳамиятга эга.

Шунга кўра, бошланғич синфда ўқиш тезлигини бир дақиқада 120 ёки ундан ортиқ сўзга ошириш талабига қарши бўлган яна бир далил (бу одатда, ўрта бўғинда кўп миқдордаги маълумотни ўзлаштириш зарурати билан белгиланади) маълумотни қулоқ орқали идрок этишнинг психофизиологик хусусияти ҳисобланади. Бу ҳақида М.Мокина бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишга оид изланишларида қўйидаги фикрларни таъкидлаб ўтган эди:

³⁷ Асқарова М.А. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш. педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). ...дисс. – Наманган, 2020.





“Физиологлар ва психологлар шуни ишончли исботладиларки, бир дақиқада 75-90 сўздан ортиқ овоз чиқариб ўқиш матнни қулоқ орқали идрок этишнинг психофизиологик механизмларининг бузилишига, визуал ва моторли жараёнларнинг ажралишига, нутқнинг ва фикрнинг идрокдан орқада қолишига олиб келади. Маълумот англамайди ва тўлиқ ўзлаштирилмайди. Ўқишда асосий нарса-бу маълумотни идрок этиш билан тушунишнинг уйғунлигидадир. Ўқиш тезлиги эса, бу жараёнларга тўсқинлик қилади”.

Шундан келиб чиқиб, психологик нуқтаи назардан матнни мақбул, тез ўқиш ва идрок қилишга ўргатиш бўйича мақсадга қаратилган қуйидаги машқлардан фойдаланиш мумкин. Қуйидаги жадвалда матнни тез ўқиш ва матнни тушунишга қаратилган психологик ривожлантирувчи машқлар берилган (2-расмга қаранг).



2-расм.Ривожлантирувчимашқлар.

Юқоридаги фикрлар фақат “асослар” ўзлаштирилгандан кейин эмас, балки ўқишнинг бошланғич босқичларидан бошлаб ўргатилиши керак. Ўқувчилар ўқишни мослашувчан ҳолда ўрганишлари керак.Хамкорликда ўқиш ва матнни тушуниш самарали бўлиши мумкин. Бунинг учун мактаб ўқувчилар ўзларидага мавжуд маълумотларни умумлаштирадилар ва бир-бирларини тушуниш курашчанликни яратадилар. Ўқувчилар ушбу ҳаракатлар бўйича тўғридан-тўғри тушунтиришларни ўқитувчи томонидан моделлаштирилиши зарур.





Бошланғич синф ўқитувчиларининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда юқори сифатли ўқиш кўникмаларини ривожлантиришдир. Бошланғич синф ўқувчиларини ўқиш ва маттни тушунишга ўргатиш бугунги кунда интерактив тавсифга эга бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. //http://lex.uz/pages/.

3.Асқарова М.А.Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва маттни тушиниш кўникмаларини ривожлантириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). ...дисс. – Наманган, 2020.

4.Мўминова Д. Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини шакллантириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). ...дисс. – Наманган, 2020. – 130 б.

5.Леонтьев А.Н. К Теория развития психики ребенка // Хрестоматия по возрастной психологии.- М.: ИПП, 1996.-700 с.

6.Матчон Сафо. Китоб ўқишни биласизми?-Т.: Ўқитувчи, 1993.110 б.

